

**XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО
АМИРЛИГИ ГУЗОР БЕКЛИГИДАГИ АЙРИМ АҲОЛИ
МАСКАНЛАРИГА ДОИР (ЭСКИБОҒ, САВБОҒ МИСОЛИДА)**

Эргашев Умар Кузиевич (Иқтисодиёт ва педагогика университети нодавлат таълим муассасаси мустақил изланувчиси).

Аннотация: Маколада XIX аср охирлари – XX аср бошларида Бухоро амирлиги Гузор беклигидаги аҳоли масканларини номланиши унинг географик ўрни, аҳолисининг касб-кори ва этник келиб чиқишига қараб ҳамда туркӣ ва форсий топонимлардан иборат бўлса, сезиларли бир қисми эса номланиши айнан қандай омиллар билан боғлиелиги етарлича аниқланмаган. Эскибог, Савбог қишлоқларнинг номланишилари таҳлил қилиниб, улар тўғрисида мулоҳазалар келтирилган, шунингдек, ушибу масалалар бўйича айрим истиқболли маълумотлар муҳокама қилинган.

Таянч сўзлар: “Қишлоқ”, “дөх”, Эскибог, Савбог, “эски” ва “бог”, Аскифагн ёки Искифагн, “Сунаж (Субах), “фагн”, “аск”, Субах, Субоҳ, Субог, “Шав-фагн”, “Сав-фагн”, “фагн” (ибодатхона).

В конце XIX – начале XX века Бухарский эмират относил к Гузарскому бекству некоторые населенные пункты (Эскибаг, Савбаг).

Эргашев Умар Кузиевич (самостоятельный исследователь негосударственного образовательного учреждения экономико-педагогического университета).

Аннотация: В статье недостаточно определено, какими факторами название населенных пунктов на бекства Гузор Бухарского эмирата в конце XIX – начале XX веков обусловлено его географическим положением, профессиональным и этническим происхождением его населения, а также тюркскими и персидскими топонимами, в то время как значительная часть связана именно с тем, что именно факторы присвоения имен. Анализируются названия Эскибога, Савбага полыни и

даются комментарии к ним, а также обсуждается некоторая многообещающая информация по этим вопросам.

Ключевые слова: "Деревня", "дех", Эскибог', Савбог', "старый" и "огородный", Аскифаг'н или Искифаг'н, "Сунай (Субах)", "фаг'н", "просить", Субах, Субокс, Субог, "Шав-фаг'н", "Сав-фаг'н", "фаг'н" (молитва).

At the end of the 19th century - the beginning of the 20th century, the Bukhara Emirate belonged to some settlements in the Guzor district (for example Eskibog, Savbog).

Ergashev Umar Kuziyevich (Independent researcher of the University of Ekonomies and Pedagogy nongovernmental educational establishment).

Annotation: In the article, at the end of the XIX century - the beginning of the XX century, the naming of settlements in the Guzor Bek of the Bukhara Emirate was based on its geographical location, the occupation and ethnic origin of its inhabitants, as well as Turkish and Persian toponyms, while a significant part of them was not sufficiently defined. The names of the villages of Eskibog and Savbog were analyzed, comments were made about them, and some prospective information on these issues was discussed

Key words: "Village", "deh", Eskibog', Savbog', "old" and "garden", Askifag'n or Iskifag'n, "Sunaj (Subakh)", "fag'n", "ask", Subakh, Subox, Subog', "Shav-fag'n", "Sav-fag'n", "fag'n" (prayer).

Бухоро амирлигига қарашли муҳим маъмурий-ҳудудий бирликлардан бири бўлган Ғузор беклиги бир неча ўнлаб аҳоли масканлари – қишлоқ ва овулларни ўз ичига олган бўлиб, уларнинг қўпчилигини ўзбек тилида “қишлоқ”, форс-тожик тилида эса “дех” деб аталган аҳоли манзиллари ташкил этган. Уларнинг сезиларли бир қисми жойлашган географик ўрни, аҳолисининг касб-кори ва этник келиб чиқиши билан номланган ҳамда туркий ва форсий топонимлардан иборат бўлса, сезиларли бир қисми эса номланиши айнан қандай омиллар билан боғлиғлиги етарлича аниқланмаган аҳоли масканларидир.

Бу ҳолат айниқса Ғузор беклигининг Эскибоғ, Ғуршак, Танги Ҳарам, Урайи калон, Қамай, Қайирма, Қора Айри, Ёртитепа ва ҳоказо каби қишлоқларининг номланишида яққол кўзга ташланади. Уларнинг бир қисми қадимий аҳоли масканлари бўлиб, бир қисми эса сўнгги ўрта асрларда кўчманчи аҳолининг жадал ўтроқлашуви билан пайдо бўлган қишлоқлардир. Қуйида улардан бир нечаси тўхталиб ўтамиз.

Эскибоғ.

Бухоро амирлигининг XX аср бошларида тузидган Кушбеги хужжатларидан маълум бўлишича, Ғузор беклигининг бошқарув маркази бўлмиш Ғузор шаҳрининг яқинида жойлашган 26 та қишлоқни ўз ичига олган амлокликнинг номи Эскибоғ бўлган. Бу амлокликка қуидагича қишлоқлар кирган: Абу Вайс, Оқ-тош, Ғулча, Жамоа-и Ҳардури, Жар-арик, Жар-қоровул, Эчки-қирилди, Қайирма, Қора-айри, Қудук-и Қорабой, Қўнғирот, Панж-камар, Таваккал, Тоз-гўзар, Тош-гўзар, Ҳардури, Хожа Чаҳордаҳ, Човган, Чирровуқ, Чунағар, Чўр-тамаҳ, Чучук, Шакар-булоқ, Шўр-арна, Шўр-қудуқ, Шўрча[1:297-304].

Ҳозирги кунда бу худуд Ғузор шаҳри таркибига қўшилиб кетган. Ушбу топоним бўйича турлича фикрлар билдирилган. Кўпчилик, айниқса, маҳаллий аҳоли унинг “эски” ва “боғ” сўзларидан ташкил топган деб талқин қилишган. Яъни узоқ замонларда ташкил килинган боғ, ёнидаги боқقا нисбатан анча олдин килинган боғ деб изоҳлашади. Т. Нафасовнинг ёзишича, В.В. Бартольд Кеш вилояти, худудида Аскифағн ёки Искифағн қишлоғи хақидаги маълумот араб сайёҳлари асарларида борлигини қайд қилган ва у Ғузор шаҳри марказидаги Эскибоғ номига алоқаси бор, деб таъкидлаган [2:333-334]. Жумладан, араб-форс географи Истахрий ўзининг “Китоб ал-мамолик ва-л-масолик” (Йўллар ва ўлкалар китоби) номли асарида “Сунаж (Субах) ва Искифағн Ҳузор рустоқидадир” деб ёзган бўлиб[3:166], бу эса бугунги Эскибоғ топонимининг асли Аскифағн ёки Искифағн бўлганини тасдиқлайди.

Сүғдий тил мутахассиси А.Л. Хромов Мовароуннахрдаги Аскифағн номи “юксак ибодатхона”, “фағн” сўзи қадимги эроний тилидаги “богина” (маъбуд, маъбад) сўзига даҳлдор деб ёzáди. Эскибоғ номидаги боғ сўзи суғдийча “фағн” сўзининг ўзгарган шакли бўлиши керак. Т. Нафасовнинг ёзишича, ушбу топонимнинг биринчи қисми “эски” сўзи қадимий номлар таркибидаги “иски/аски” сўзининг ўзгаргани ёки қадимий номлар маҳаллий номиниг араб тилида ўзгартиб ёзилган шакли бўлиши мумкин[4:232].

Бу фикрни тасдиқлайдиган шу каби лингвистик далилларга суюниш мумкин: 1) суғдийча негиздаги Ўрта Осиё топонимларининг сезиларли бир қисмида “аск” топоформанти учраб, бу ҳолат ўзбек, қозоқ ва яна бир қатор туркий халқлар достонларида ўрин олган “Асқартоғ”, “Асқартов” мифологик атамаси мисолида ўз ифодасини топган. Аслида бу сўзининг негизида суғдийча[5:230] “аск” (юқори, юксак, баланд) “тар” (тоғ) ва туркийча “тоғ, тов” (тоғ) сўzlари ётади. Буни ушбу мифологик тоғ билан боғлиқ достонларда қайд этилган[6:67-69] “Асқартов – дунёning энг марказида жойлашган энг баланд тоғ бўлган экан” мазмундаги ривоятлар ҳам тасдиқлайди. Яъни Асқартоғ сўзининг семантикасининг ўзиёқ бу атаманинг негизида тоғ культи ётганини кўрсатади. Қадимги суғдийлар мифологик қарашига хос тоғ культи афсоналари кейинчалик туркий халқлардаги мифологик қараашлар билан уйғунлашиб Асқартов ҳақида тушунчалар кенг ёйилган; 2) Эскибоғ топонимининг IX – XII асрларга тегишли араб ва форс географлари асарларида Кеш хукмдорлиги билан боғлиқ аҳоли маскани Эскифағн ёки Аскифағн кўринишларида тилга олиниши[7:166] ҳам Ғузордаги бу топонимнинг эскирган боғ, олдинги боғ деб талқин қилинаётган “Эски боғ” сўзининг асли “Юқоридаги ибодатхона” маъносида бўлганлигини кўрсатадиган омиллардан биридир. “Ибодатхона, “зардуштийлар жамоаси ибодат қиласидаги жой” маъносидаги “фағн” сўзи кўшни Яккабоғ тумани номи мисолида ҳам ўз тасдигини топади. “Яккабоғ” атамаси ҳам маҳаллий аҳоли орасида “бир дона боғ, якка боғ” деб очиқланса-да, аслида бу топонимнинг негизида форс-тожик тилларига хос

“якка-боғ” сўзи эмас, қадимги суғдийча “фағн” (ибодатхона)[8:337] сўзи ётса керак.

Демак, Аскифағн “Юқоридаги ибодатхона” деган сўз негизида шаклланган Эскибоғ номи суғдийча “аск” (юқори, юксак) ва “фағн” (ибодатхона) кейинчалик фонетик ўзгаришларга учраб, туркий тилли халқлар томонидан “аск” сўзи “эски”га ва “фағн” сўзи эса форсий-туркий “боғ” (боғ, мевазор)га айланиб, халқ орасида фарқли талқинлар келиб чиқишига сабаб бўлган. Яъни бу ерда биринчидан бундан мингийиллар олдин суғдийларнинг туркийлашиб ёки форсийлашиб кетиши натижасида Аскифағн сўзининг бошланғич маъноси унутилган бўлса, иккинчидан эса Аскифағн – Эскибоғ сўзларининг фонетик томондан бирмунча ўхшашлиги омили таъсир қилган кўринади.

Эскибоғ қишлоғи Ғузор шаҳрининг ёнгинасида жойлашган бўлиб, суғдийлар анъанасига кўра, зардуштийлар эътиқоди билан боғлиқ иншоатлар шаҳар ичида ёки шаҳарга яқин жойларда барпо қилинган. Ғузор шаҳрининг қадимги Суғд ўлкасига тегишли бўлганлиги ва бу ерда милоддан олдинги II мингийиллик ва милодий илк I мингийиллик орасида, яъни деярли 2,5-3 минг йил давомида кўпроқ суғдий тилли аҳоли яшаганидан келиб чиқиладиган бўлса, Эскибоғ топонимининг асли суғдийча Аскифағн экани янада ўз тасдиғини топади. Нахшаб, Кеш каби Ғузор ҳам Суғд воҳасининг таркибий бир қисми бўлмиш Жанубий Суғдга қарашли маъмурий бирлик бўлиб, бу ер Жанубий Суғднинг ҳам энг жануби хисобланиб, Суғд ва Бақтрия – Тоҳаристон ўлкалари чегарасида ўри олган.

Савбоғ.

Ғузор беклигининг йирик аҳоли манзилларидан бири Қушбеги архиви хужжатларида бекликка қарашли Фармистон амлоклиги таркибидаги қишлоқлардан бири сифатида қайд этилган. Ҳозирги кунгача бу ном Ғузор туманига қарашли қишлоқлардан бирининг номи сифатида сақланиб қолган бўлиб, бу ер Ғузор шаҳрининг бирмунча шимоли-ғарбида жойлашган Фармистон қишлоғидан бироз шимолдадир. Қушбеги хужжатларини нашр

қилган тадқиқотчилар бу номни Саубағ кўринишида келтирган бўлиб, аслида унинг Савбағ ёки Савбоғ кўринишлари аслиятга яқин келади. Савбоғ Фармистон амлоклигининг Жон-булоқ (Жом-булоқ), Занг-тепа, Керайит, Қирғиз-сарой, Можар, Хожа Размоз, Чўмушли (Чўмичли) ва ҳоказо каби 11 та қишлоғидан бири бўлиб, ҳозирги кунда ҳам ушбу жой номларининг бир қисми шу шаклларда сақланиб қолган[9:113,116,142,168,315].

Бир қарашда ўзбек (туркий) ёки форс-тожик тилларига хос жой номини эслатадиган Савбоғ атамасининг асл негизини топиш бирмунча қийин. Чунки атама ёзма манбаларда Субах, Субоҳ, Субоғ, Савбоғ кўринишларида учраб[10:295], унинг илк қисми “сав” ёки шунга ўхшаш варианtlарининг луғавий маъносини топиш учун қадимий тилларга мурожаат қилишга тўғри келади. Ушбу топонимнинг иккинчи қисми “боғ” ёки унинг янада эскироқ кўриниши “бах”, “боҳ” сўзини юқорида келтириб ўтилган сұғдийча “фағн” (ибодахона) сўзи билан солиштириш мумкин. Бироқ “сав” сўзининг луғавий маъносини аниқлаш учун шунга ўхшашроқ топонимлар билан солиштириш керак бўлади. Туркий тилларда, айниқса, ўзбек тилида “сов” ёки “сав” билан бошланадиган топонимлар деярли учрамайди. Сұғдий тилга хос “шав”, “сав” топоформантлари эса Ўрта Осиёning бир қатор қадимий жойлари билан боғлиқ ёзма манбаларда ўрин олган. Масалан, Шаҳрисабз туманидаги Шаматон “Қора қишлоқ”, Жиззах вилоятидаги Шовкат ёки Шавкат “қора шаҳар, қора қишлоқ” Жанубий Қозогистондаги қадимий Ўтрор, Яssi (Туркистон) шаҳарлари яқинидаги тоғ – Қоратовнинг эски сұғдийча номи Шовғар “қора тоғ” маъносидаги аҳоли масканлари[11:5-7] билан солиштириш мумкин. Демак, Савбоғ топонимини сұғдийча “Шав-фағн”, “Сав-фағн”, “Савбоғ”, яъни “Қора (йирик) ибодатхона” деб изоҳлаш мумкин.

Ривожланган ўрта асрлар IX – XII асрларга тегишли араб ва форс манбаларида Субах номли Хузор қасабасига қарашли қишлоқ ва унинг теварагида Тубан ёки Тубон номли аҳоли маскани тилга олинади. Субах-Насафдан 6 фарсах нарида, Хузор қасабасида деб бир неча асарларда

учраса-да, айрим тадқиқотчилар бу ном Истахрий томонидан Сунаж шаклида берилишига ва Насафдан бир манзил, Кешдан эса 2 фарсахлик йўлда, деб қайд этилишига ҳам тўхталиб ўтишади[12:298]. Аслида Истахрий бу номни айнан шундай келтирмаган бўлиб, кейинчалик хаттотлар асардан нусха кўчираётганда Субах сўзи Сунахга айланиб қолган бўлиши керак. Ўрта Осиёдаги жой номларини қофозга тушириш ёки нусха олиш жараёнида бу худудни яхши билмаган кўплаб араб-форс хаттотлари бирор атамани ёзаётганда нуқталарнинг ўринини алмаштириб қўйганликлари, шу туфайли бундай чалкашликлар келиб чиққанлиги маълум. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Истахрий келтирган маълумотларда нафақат Сунаж (Субах), балки унга қўшни аҳоли масканлари ҳам ўрин олган. Улардан бир парча келтириб ўтамиз: «Кэш шаҳардир ... Самарқанд томонида бир фарсаҳда ва Балх йўлида оқадиган дарё бор. Бу сувларнинг ортгани водийда тўпланиб, Насафга оқади. Шаҳристон ва ҳовлиларининг барчасида оқар сувлар ва боғлар бор. Маъмурий бирлигининг узунлиги тўрт кунга яқин. Унда Навқад Қурайш шаҳри бор. Сунаж ва Исқифағн Хузор рустоқидадир. Унда мевалари ва уруғлари, тоғларида четга чиқариладиган шифобахш гиёҳлари кўп. Унда Мабанкат, Руд, Баламдарин, Самар, Кашқ, Ару, Синам, Арған, Ҳавадҳан, Хузор, Суруза, Шакарда ад-Дохила ва Шакарда ал-Хорижа рустоқлари бор. Булар бари Кэш рустоқларидир»[13:166]. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, йирик топонимист олим Т. Нафасов араб манбаларидаги Субах билан ҳозирги Ғузор туманидаги Савбоғ аҳоли масканининг географик жойлашуви бир-бирига тўғри келмаслигини ёзиб, улардан биринчиси ёзма манбаларда Насаф ва Кеш оралиғида кўрсатилгани, Савбоғ эса Ғузор шаҳрига яқин жойлашганини илгари суради[14:232]. Бизнингча, бу фикрга тўлақонли қўшилиб бўлмайди. Сабаби, араб ва форс тиллардаги манбаларнинг кўпчилигига Субах Насаф ва Кеш орасида деб тилга олиниши билан бирга, ушбу аҳоли масканининг Ҳузор қасабасига қарашли экани, ўз навбатида Ҳузор Кешга тегиши рустоқ бўлгани айтиб ўтилишининг ўзиёқ бу жойнинг ҳозирги Савбоғ билан битта жой эканини кўрсатади. Бундан

ташқари, Истахрий келтириб ўтганидек, Сунаж (аслида Субах) билан Искифағи бир-бирига яқин ва Хузорга қарашли аҳоли масканлари эканлиги ҳам Субах – Савбоғ битта жой эканини тасдиқлайди.

Шунингдек, Хузорга қарашли йирик аҳоли масканларидан бири Сурхакас деган ном остида қайд этилади. Улардан биринчиси – Тубан сўзи туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилидаги “қуи, пастлик, пастликдаги жой”[15:365] билан боғлиқ бўлиши мумкин. Иккинчиси – Сурхакас эса суғдий тилли топоним эканлиги аниқ. Суғдий тилда “кас” “қишлоқ” деган маъноларни билдирган[16:271-272].

Бу каби далилларни араб ва форс географлари асарларида Ғузор билан боғлиқ айрим маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Уларда кўпинча Хузор қасаба (рустоқ) деб тилга олинниши билан бирга, араб географи Ёқут «Хузор» сўзининг маъносини «қийик кўзли» деб таржима қилиш мумкин бўлган «хазар» сўзидан олинган деб ёзади[17:295]. Хазарлар Қора денгизнинг шимоли, Шимолий Кавказ ва Волгабўйини ўз ичига олган худудда улкан салтанат – Хазар хоқонлиги (650-965) деган давлатга асос солган туркий элатлардан бири саналади[18:112-118]. Туркий элатларда ўша чоғлардаёқ монголоид ва европоид ирқларнинг аралашуви кузатилсада, араб ва форслар томонидан туркийларни “қийик кўзли” деб тасвираш кенг ёйилган эди. Ёқут хазарларни шу кўринишда тавсифлаши ҳам бежиз эмас эди.

Хузор ва Хазар номларини битта негиздан қараш унчалик тўғри бўйласлиги мумкин, бироқ ушбу маълумотлар Хузор худудида форсийлар каби туркий халқлар ҳам қадимдан яшаб келаётганига далил бўла олади. Буни XI асрда яшаб ижод қилган тилшунос олим Маҳмуд Кошфарий ўзининг “Девону луғат-ит-турк” (Туркий сўзлар девони) номли асарида “Хузар – турк шаҳарларидан бир жой исми” деб қайд этиши ҳам қўллаб-кувватлайди[19:389].

Сўнгги ўрта асрларда Ғузор туманидаги бир қатор аҳоли масканларининг номи этнонимлардан иборат бўлган. XX аср бошларида

Фармистон амлоказигига қарашли Можар (Можор), Чўмичли, Қирғиз-сарой қишлоқларида ўзбекларнинг сарой уруғи вакиллари яшаб, улар ушбу уруғнинг бирор тармоғи бўлмиш мажор ёки мажор-сарой, чўмичли, қирғиз ёки қирғиз-сарой тармоқларига мансуб бўлишган[20:168,315,375].

Хуллас, Бухоро амирлиги даврида Ғузор беклигига мавжуд бўлган аҳоли масканларидан айримлари билан танишиб чиқиш шундан дарак берадики, ушбу бекликдаги қишлоқ номларининг бир қисмини анча қадимий топонимлар ташкил этиб, уларнинг илдизи қадимги сұғдийларга бориб тақалади. Бугунги кунда фонетик ўзгаришларга учраган Эскибоғ ва Савбоғ топонимлари қўпчилик ўйлаганидек “боғ” (мевазор) билан алоқали бўлмай, уларнинг шаклланишида сұғдий тилга хос “фағн” (ибодатхона) сўзи ётади. Бу эса ушба аҳоли масканлари Ўрта Осиёнинг энг қадимги жой номларидан бўлганини кўрсатибгина қолмай, балки уларнинг қадимиий эътиқод марказларидан бўлгани ва Ғузор шаҳри ва унинг теварак-атрофи минтақа ижтимоий-маданий ҳаётида катта ўрин эгаллаганини тасдиқлайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Elboyeva, S. B. (2022). YOSHLARDA YUKSAK MA'NAVIYATNI SHAKLLANTIRISHNING DOLZARBLIGI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 576-581.
2. Elboyeva, S. B. (2022). МИЛЛАТЛАРАРО ҲАМЖИҲАТЛИК-ХАЛҚИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(5-2), 377-385.
3. Kuziyevich, E. U. (2024). GUZOR FORT IN THE PERIOD OF BUKHARA EMIRATE. *European Science Methodical Journal*, 2(5), 192-198.
4. Ergashev, U. K. (2024). SOCIO-POLITICAL PROCESSES IN GUZOR PROVINCE. *Web of Discoveries: Journal of Analysis and Inventions*, 2(5), 157-162.

5. Элбоева, Ш. Б. (2020). Изменения в культурной жизни Узбекистана и духовном наследии. *Вестник науки и образования*, (13-3 (91)), 26-28.
6. Kuziyevich, E. U. (2023). SETTLEMENTS ASSOCIATED WITH THE “BATOSH” SEED IN THE GUZOR STATION OF THE EMIRATE OF BUKHARA IN THE LATE 19TH-EARLY 20TH CENTURIES. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 11(7), 116-119.
7. Ergashev, U. Q. (2024). IMPORTANT INFORMATION ABOUT THE HISTORY OF THE GUZOR KINGDOM OF THE BUKHARA EMIRATE (BASED ON THE EXAMPLE OF GULSHANI'S BOOK “THE HISTORY OF HUMOYUN”). *Western European Journal of Historical Events and Social Science*, 2(10), 74-79.
8. Ergashev, U. Q. (2024). INFORMATION ABOUT THE VILLAGES OF THE INHABITANTS OF THE GUZOR STATION OF THE EMIRATE OF BUKHARA BY AMLOK (late 19th–early 20th centuries). *Web of Teachers: Inderscience Research*, 2(10), 265-270.
9. Asadova, R. B. (2024). О ‘ZBEKİSTON VA HİNDİSTON MUNOSABATLARI: TA’LİM VA MADANIYAT SOHASIDAGI AMALIY HAMKORLIK. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 56(2), 26-32.
10. АСАДОВА, Р. (2024). ИСТОРИЧЕСКАЯ ПЕТРОСПЕКТИВА ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ НАРОДАМИ УЗБЕКИСТАНА И ИНДИИ. *News of UzMU journal*, 1(1.2. 1), 7-10.
11. Асадова, Р. Б. (2021). ИСТОРИЯ СОТРУДНИЧЕСТВА УЗБЕКИСТАНА И ИНДИИ ЗА ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ. *Gospodarka i Innowacje.*, 18, 43-47.
12. Асадова, Р. (2024). О ‘zbekiston va Hindiston o ‘rtasida savdo va ilmiy-texnik hamkorlik. *Общество и инновации*, 5(5), 227-231.
13. Esanova, N. P. (2024). MAIN FACTORS OF TEXTILE INDUSTRY DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN (1991-2021 Years). *Web of Technology: Multidimensional Research Journal*, 2(9), 5-13.

14. Esanova, N. (2024). QASHQADARYO SANOATINI RIVOJLANTIRISHDA KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIK MEXANIZMINING YARATILISHI. *Interpretation and researches*.
15. Pulatovna, E. N. (2024). UZBEKISTAN'S PLACE IN INTERSTATE INDUSTRY AND TRADE EXHIBITIONS (1991-2021 YEARS). *International journal of artificial intelligence*, 4(07), 342-343.
16. Sherozovich, M. B., & Shuhratovna, M. N. (2024). THE EMERGENCE OF THE GAS-SULFUR INDUSTRY IN UZBEKISTAN AND ITS DEVELOPMENT HISTORY (IN THE EXAMPLE OF KASHKADARYA REGION). *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 39(5), 217-220.
17. Маматкулов, Б. (2024). Qashqadaryo va Surxondaryo viloyatlarida yengil sanoat tarmoqlarining rivojlanishi, kadrlar tarkibini shakllantirish jarayonlari (1925-1950-yy). *Общество и инновации*, 5(5), 211-218.
18. Mamatqulov, B. S. (2024). O 'ZBEKISTON JANUBIY VILOYATLARIDA SANOAT TARMOQLARINING RIVOJLANISHI: TARIXIY TAHLIL VA OQIBATLAR (XX-ASRNING 30-40 у.). *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 56(2), 33-39.
19. Jumayeva, S. S. (2024). MA'NAVIY TARBIYA JARAYONIDA ALLOMALAR MEROSINING TUTGAN O'RNI. *GOLDEN BRAIN*, 2(20), 64-69.
20. Suyunovna, J. S. (2023). THE IMPORTANCE OF GENDER EQUALITY IN THE EDUCATION OF CHILDREN IN THE FAMILY. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 1(9), 114-117.
21. Suyunovna, J. S. (2021). MA'NAVIY YUKSALISH YO'LIDAGI TAHIDIDLAR VA ULARNI BARTARAF ETISH YO'LLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(3), 186-194.
22. Kuziyevich, E. U. (2023). SETTLEMENTS ASSOCIATED WITH THE "BATOSH" SEED IN THE GUZOR STATION OF THE EMIRATE OF

BUKHARA IN THE LATE 19TH-EARLY 20TH CENTURIES. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 11(7), 116-119.

23. Ergashev, U. Q. (2024). IMPORTANT INFORMATION ABOUT THE HISTORY OF THE GUZOR KINGDOM OF THE BUKHARA EMIRATE (BASED ON THE EXAMPLE OF GULSHANI'S BOOK "THE HISTORY OF HUMOYUN"). *Western European Journal of Historical Events and Social Science*, 2(10), 74-79.
24. Ergashev, U. Q. (2024). INFORMATION ABOUT THE VILLAGES OF THE INHABITANTS OF THE GUZOR STATION OF THE EMIRATE OF BUKHARA BY AMLOK (late 19th–early 20th centuries). *Web of Teachers: InderScience Research*, 2(10), 265-270.